

ЎТМИШГА НАЗАР

3 - МАХСУС СОН

ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ

СПЕЦИАЛЬНЫЙ ВЫПУСК - 3

LOOK TO THE PAST

SPECIAL ISSUE - 3



Бош мухаррир:
Главный редактор:
Chief Editor:

Муртазаева Рахбар Хамидовна
тарих фанлари доктори, профессор,
Ўзбекистон Миллий университети

Бош мухаррир ўринбосари:
Заместитель главного редактора:
Deputy Chief Editor:

Джураева Нилуфар Далибаевна
тарих фанлари номзоди, доцент,
Ўзбекистон жаҳон тиллари университети

«Ўтмишга назар» илмий журнали тахририй маслаҳат кенгаши
редакционный совет научного журнала «Взгляд в прошлое»
Editorial board of the scientific journal Looking into the past

Сагдуллаев Анатолий Сагдуллаевич
тарих фанлари доктори,
профессор, академик,
Ўзбекистон Миллий университети

Бобожонова Дилором Бобожонова
тарих фанлари доктори, профессор,
Ўзбекистон жаҳон тиллари
университети

Зияева Доно Хамидовна
тарих фанлари доктори, профессор,
ЎзР ФА Тарих институти

Кебадзе Мадонна
тарих фанлари доктори, Телави
давлат университети, Грузия

Аширов Адхам Азимбаевич
тарих фанлари доктори, профессор,
ЎзР ФА Тарих институти

Агзамова Гулчехра Азизовна
тарих фанлари доктори, профессор,
ЎзР ФА Тарих институти

Бурдиашвили Майя
тарих фанлари доктори, Телави
давлат университети, Грузия

Кожакеева Ляззат Темировна
тарих фанлари доктори, доцент,
Хотин-қизлар давлат педагогика
университети, Қозоғистон

Ульжаева Шохистахон Мамажоновна
тарих фанлари доктори,
Тошкент кимё - технология институти

Бабаджанова Нодира Абдуллаевна
тарих фанлари номзоди, доцент,
Ўзбекистон давлат жаҳон
тиллари университети

Рахмонкулова Зумрад Бойхуразовна
тарих фанлари номзоди, доцент,
Ўзбекистон Миллий университети

Гофоров Шокир Сафарович
тарих фанлари доктори, профессор,
Самарқанд давлат тиббиёт институти

Эргашева Юлдуз Алимовна
Тарих фанлари доктори, профессор,
Қарши муҳандислик-иқтисодиёт
институти

Теймураз Ахалмосулишвили
профессор, Телави давлат
университети, Грузия

Халикова Рахбар Эргашевна
тарих фанлари доктори, профессор,
Тошкент давлат техника университети

Ишанходжаева Замира Райимовна
тарих фанлари доктори, профессор,
Ўзбекистон Миллий университети

Абдуллаева Яхшибека Атамуратовна
тарих фанлари доктори, доцент,
Нукус давлат педагогика институти

Мустафаева Нодира Абдуллаевна
тарих фанлари доктори
Ўзбекистон Республикаси
Фанлар академияси

Джоробекова Айнуэр Эшимбековна
тарих фанлари номзоди, профессор,
Дипломатия академияси,
Қозоғистон Республикаси

Ширванова Тарана Амирага кызы
тарих фанлари номзоди, доцент
Азербайджон давлат
иқтисодиёт университети

Ерметов Аваз Абдуллаевич
тарих фанлари доктори, доцент,
Ўзбекистон Миллий университети

Санпова Камола Давляталиевна
тарих фанлари номзоди, доцент,
Ўзбекистон Миллий университети

Расулов Абдуллажон Нуриддинович
тарих фанлари доктори, профессор,
Наманган давлат университети

Ковалев Борис Николаевич
тарих фанлари доктори, профессор,
Россия ФА, Санкт-Петербург
Тарих институти

Кобзева Ольга Петровна
тарих фанлари доктори, профессор,
Ўзбекистон Миллий университети

Ауанасова Алима Мусировна
тарих фанлари доктори, профессор,
Давлат тарихи институти, Қозоғистон

Бегалинова Калимаш Капсамаровна
фалсафа фанлари доктори, профессор,
Ал-Фаробий номидаги Қозоғистон
Миллий университети, Қозоғистон

Хайдаров Муродилла Махмуталиевич
тарих фанлари доктори, профессор,
Ўзбекистон миллий университети

Алиева Лале
тарих фанлари доктори,
Озарбайжон давлат университети

Исмаилова Алмаз
тарих фанлари доктори,
Догистон мустақил университети

Талапов Бахриддин Алижанович
тарих фанлари номзоди, доцент,
Наманган давлат университети

Одилов Аброр Анварович
тарих фанлари номзоди, доцент,
Ўзбекистон Миллий университети

МУНДАРИЖА / СОДЕРЖАНИЕ / CONTENT

1. Алима Ауанасова ҚОЗОҒИСТОН ХАЛҚ АССАМБЛЕЯСИ – МИЛЛАТЛАРАРО ТОТУВЛИК ВА БИРДАМЛИКНИНГ САМАРАЛИ МОДЕЛИ.....	5
2. Максим Моисеев РОССИЯ ПОДШОЛИГИ ВА МАРКАЗИЙ ОСИЁ ДАВЛАТЛАРИ ЎРТАСИДАГИ МУНОСАБАТЛАР ТАРИХИГА ОИД ЯНГИ ТОПИЛГАН ҲУЖЖАТЛАР.....	11
3. Рахбар Холиқова TURKISTON O‘LKASIDAGI MILLIY OZODLIK HARAKATLARI TARIXIDAN (MARDIKORLIKKA SAFARBARLIK VA UNING OQIBATLARI).....	21
4. Ибройим Махкамов, Хамиджон Шахобов, Умида Носирова ЖАДИДЛАРНИНГ ИҚТИСОДИЙ ҚАРАШЛАРИ ВА УНИНГ БУГУНГИ КУНДАГИ ТАРБИЯВИЙ АҲАМИЯТИ.....	29
5. Дурдонахон Муродова ЖАНУБИЙ ФАРҒОНА ШАҲАРСОЗЛИГИДА МАРФИЛОН. ДАСТЛАБКИ АНТРОПОГЕН ЛАНДШАФТЛАР (ЁЗМА МАНБАЛАР ВА АРХЕОЛОГИК ТАДҚИҚОТЛАРДА).....	36
6. Авазбек Мирзаев ФАРҒОНА ВОДИЙСИДА ПАХТА САВДОСИ ВА ТОЛАНИ МЕТРОПОЛИЯГА ТАШИБ КЕТИЛИШИ МАСАЛАЛАРИ.....	42
7. Саҳодат Муртазова “МАҚОМ” ФЕСТИВАЛИ – ХАЛҚАРО МАДАНИЙ ҲАМКОРЛИКНИНГ ЯНГИ БОСҚИЧИ.....	48
8. Шухратжон Абдуллоев БУҒДОЙНИНГ ИЛОҲИЙЛАШТИРИЛИШИ БЎЙИЧА МОДДИЙ ВА ЁЗМА МАНБАЛАР.....	54
9. Исломбек Бобожонов ТОШКЕНТ ШАҲАР МАҲАЛЛАЛАРИДА ЁШЛАР ЎРТАСИДАГИ МАЪНАВИЙ- МАЪРИФИЙ ФАОЛИЯТДА ИЖТИМОЙ ШЕРИКЛИК (1991-2019 йй.).....	63
10. Бобурмирзо Ботиров ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИГА ОИД ҚУРЪОНИ КАРИМДА КЕЛГАН НОРМАЛАР ТАҲЛИЛИ.....	69
11. Хумоюн Назаров ШИМОЛИЙ БАҚТРИЯНИНГ КУШОН ДАВРИ ҚЎҲНА ШАҲАРЛАРИНИНГ ЎРГАНИЛИШ ТАРИХИДАН.....	81
12. Баҳрам Намозов ҚУТЛУҒ БАШАРОВ ИЖОДИГА НАЗАР.....	90
13. Файзулла Очилдиев XIX АСРНИНГ ИККИНЧИ ЯРМИ - XX АСР БОШЛАРИДА БУХОРО АМИРЛИГИДА ИЖТИМОЙ МУНОСАБАТЛАР ВА СОЛИҚ ТУРЛАРИ.....	96


14. Turdigul Omirzakovna QORAQALPOQ XALQINING XOTIRALARIDAGI VA MEMUARLARIDAGI IKKINCHI JAHON URUSHI.....	105
15. Мухиддинжон Примов XX АСРНИНГ 60-ЙИЛЛАРИДА ЎЗБЕКИСТОН КАРТОГРАФИЯСИНИНГ РИВОЖЛАНИШИ ТАРИХИГА ДОИР.....	113
16. Азиз Равшанов ҚАШҚАДАРЁ ВИЛОЯТИДАГИ ЙИРИК САНОАТ КОРХОНАЛАРИНИНГ ФАОЛИЯТИГА ҚИСҚАЧА НАЗАР (1991-2020 йиллар).....	120
17. Гулчехра Рахимова ОЛМАЛИҚ ШАҲРИДА ЭКОЛОГИК ҲОЛАТНИНГ ЎЗГАРИШ САБАБЛАРИ.....	127
18. Екатерина Смесова ВЕРА КОМИССАРЖЕВСКАЯ ВА ТУРКИСТОН ЎЛКАСИНИНГ ТЕАТР САНЪАТИ ТАРИХИ САҲИФЛАРИДАН.....	134
19. Жасур Савриев НАВОИЙ ВИЛОЯТИДАГИ “РАБОТИ МАЛИК” ҚАРВОНСАРОЙИНИНГ ҚУРИЛИШ ЛОЙИҲАСИ ВА МУСТАҚИЛЛИК ЙИЛЛАРИДАГИ ТАЪМИРЛАНИШ ТАРИХИ.....	140
20. Музаффар Тожибоев ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОННИНГ РИВОЖЛАНИШ ЖАРАЁНЛАРИДА МИЛЛИЙ ВА УМУМБАШАРИЙ ҚАДРИЯТЛАР ТАРИХИНИНГ ХАЛҚАРО МУНОСАБАТЛАРДАГИ ЎРНИ ВА АҲАМИЯТИ.....	156
21. Сайёра Тураева ЧОР РОССИЯСИНИНГ ЎРТА ОСИЁГА 1840 ЙИЛЛАРДАГИ ЭКСПЕДИЦИЯЛАРИ: ГЕОЛОГИК ВА ИҚТИСОДИЙ, СИЁСИЙ АСПЕКТЛАРИ.....	163
22. Тўракул Ҳасанбоев ЖИЗЗАХ ВОҲАСИ СОҲИБҚИРОН АМИР ТЕМУР ВА ТЕМУРИЙЛАР ДАВРИДА (ЁЗМА МАНБАЛАР АСОСИДА).....	170
23. Шермухаммат Эрназаров МИЛЛИЙ ҒОЯ ТАРҒИБОТИДА ТАРИХИЙ ВА СИЁСИЙ ОНГНИНГ АҲАМИЯТИ.....	176
24. Ахмеджон Юсупов САРИҚАМИШБЎЙИ ВА УЗБОЙ САРҲАДЛАРИ ЁДГОРЛИКЛАРИДА АРХЕОЛОГИК ТАДҚИҚОТЛАР ТАРИХИДАН.....	185
25. Алишер Эсанов ЎЗБЕК РОМАНЧИЛИГИ АСОСЧИСИ АБДУЛЛА ҚОДИРИЙНИНГ ҲАЁТИ ВА ИЖОДИ ҲАҚИДА БАЪЗИ МУНОЗАРАЛАР.....	193
26. Миролим Бердикулов ТЎДА-1 НЕОЛИТ МАКОНИ ТОШ ҚУРОЛЛАРИ (2017-2018 йиллардаги қазилма материаллари асосида).....	197

ЎТМИШГА НАЗАР ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ LOOK TO THE PAST

Азиз Ҳикматович Равшанов,
мустақил тадқиқотчи,
Қарши давлат университети,
ravshanov@mail.ru

ҚАШҚАДАРЁ ВИЛОЯТИДАГИ ЙИРИК САНОАТ КОРХОНАЛАРИНИНГ ФАОЛИЯТИГА ҚИСҚАЧА НАЗАР (1991-2020 йиллар)

For citation: Aziz H. Ravshanov, BRIEF OVERVIEW OF ACTIVITIES OF LARGE INDUSTRIAL ENTERPRISES OF THE KASHKADARYA REGION (1991-2020 yy). Look to the past. 2020, Special issue 3, pp.120-126

 <http://dx.doi.org/10.5281/zenodo.6583058>

АННОТАЦИЯ

Ушбу мақолада муаллиф томонидан мустақиллик йилларида Қашқадарё вилоятидаги йирик sanoat корхоналарининг Ўзбекистон миллий иқтисодиёти тараққиётига қўшган хиссаси қисман таҳлил қилиниб, нефть-газ, кимё, ёқилғи-энергетика, тўқимачилик ва бошқа соҳаларда иш олиб бораётган корхоналар фаолияти қисқача ёритилган.

Калит сўзлар: Ўзбекистон, Қашқадарё, республика, иқтисодиёт, sanoat корхонаси, қўшма корхона, халқаро ҳамкорлик, модернизация.

Азиз Ҳикматович Равшанов,
независимый исследователь,
Каршинский государственный университет,
ravshanov@mail.ru

КРАТКИЙ ОБЗОР ДЕЯТЕЛЬНОСТИ КРУПНЫХ ПРОМЫШЛЕННЫХ ПРЕДПРИЯТИЙ КАШКАДАРЬИНСКОЙ ОБЛАСТИ (1991-2020 гг)

АННОТАЦИЯ

В данной статье анализируется вклад крупных промышленных предприятий Кашкадарьинской области в развитие национальной экономики страны за годы независимости, а также кратко описывается деятельность предприятий нефтегазовой, химической, топливно-энергетической, текстильной и других отраслей

Ключевые слова: Узбекистан, Кашкадарья, республика, экономика, промышленное предприятие, совместное предприятие, международное сотрудничество, модернизация

Aziz H. Ravshanov,
Independent researcher,
Karshi State University,
ravshanov@mail.ru

BRIEF OVERVIEW OF ACTIVITIES OF LARGE INDUSTRIAL ENTERPRISES OF THE KASHKADARYA REGION (1991-2020 yy)

ABSTRACT

This article analyzes the contribution of large industrial enterprises of the Kashkadarya region to the development of the country's national economy during the years of independence, and also briefly describes the activities of enterprises in the oil and gas, chemical, fuel and energy, textile and other industries.

Index Terms: Uzbekistan, Kashkadarya, republic, economy, industrial enterprise, joint venture, international cooperation, modernization.

1. Долзарблиги:

Ривожланган мамлакатлар тажрибаси шуни кўрсатадики, саноат мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишида муҳим ўрин тутди. Шу нуқтаи назардан келиб чиқиб Қашқадарё вилоятида фаолият олиб бораётган саноат корхоналари фаолиятини ўрганиш, уларда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар турлари ва ҳажмини таққослаш орқали таҳлил қилиш, саноат маҳсулотини аҳоли жон бошига тўғри келадиган миқдори динамикасини кузатиб бориш, ҳудудлардаги устувор вазифаларни ва ўсиш нуқталарини белгилаш муҳим аҳамият касб этади.

Қашқадарё вилояти саноат соҳасида Ўзбекистоннинг ижтимоий-иқтисодий тараққиётига муносиб улуш қўшиб келмоқда. Воҳа саноатининг етакчи тармоқлари табиий газ ва нефть қазиб олиш, газни қайта ишлаш, пахта тозалаш саноати, ёғ-мой экстракцияси, қурилиш материалларини ишлаб чиқариш, текстил саноати-тўқимачилик, ип йиғириш, тикувчилик, озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқариш ва бошқалар ҳисобланади.

2. Методлар ва ўрганилганлик даражаси:

Мақола умум қабул қилинган тарихий методлар-тарихийлик, қиёсий-манتيкий таҳлил, кетма-кетлик, холислик тамойиллари асосида ёритилган бўлиб, унда мустақиллик йилларида Қашқадарё вилоятидаги йирик саноат корхоналарининг фаолияти, уларнинг Ўзбекистон миллий иқтисодиёти тараққиётига қўшган ҳиссаси қисман ёритилган бўлиб, воҳадаги нефть-газ, кимё, ёқилғи-энергетика, тўқимачилик ва бошқа соҳаларда иш олиб бораётган корхоналар фаолиятига қисқача назар ташланган. Қашқадарё воҳасида саноат соҳасининг тараққиёти бир қатор тадқиқотчиларнинг ишларида ўз аксини топган. Хусусан, Жўрақулов О, [1] Эргашева Ж., Ўроқова Н., [2] Тилаев Э., [3] кабиларнинг тадқиқотларида Қашқадарё воҳасининг саноат тараққиёти йўналишлари, ривожланиш жараёнлари, муаммолари ва истиқболлари ёритиб берилган.

3. Тадқиқот натижалари:

Ҳозирда Қашқадарё вилоятида 50дан ортиқ йирик саноат муассасаси, 24 минг 470та ишлаб чиқариш корхоналари (улардан 14минг 960таси кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари ҳисобланади) ҳамда 152 та йирик қўшма корхоналар фаолият юритмоқда. “Шўртан нефть-газ”, “Муборак нефть-газ” корхоналари, “Шўртан газ-кимё” мажмуаси, Муборак газни қайта ишлаш заводи, Дехқонобод калийли ўғитлар заводи, Талимаржон иссиқлик электр станцияси, “Кўкдумалоқ газ”, “Ҳисор нефть-газ” каби йирик ишлаб чиқариш қувватлари мамлакатимиз саноатининг локомотивлари ҳисобланади. Мустақиллик йилларида Қашқадарё вилоятида ёқилғи-энергетика соҳасида 4 та йирик корхона, жумладан, “Шўртангаз-кимё” мажмуаси, “Кўкдумалоқ газ” ва “Ҳисор нефть-газ” Ўзбекистон-Швейцария қўшма корхоналари ҳамда Талимаржон ИЭСнинг биринчи блоки каби янги қувватлар ишга туширилди[4]. Нефть-газ саноати. Ўзбекистон ёқилғи-энергетика

саноатининг йирик корхоналаридан бири Муборак газни қайта ишлаш заводи ҳисобланади. Унинг фаолияти, асосан, қайта ишланган табиий газ, қаттиқ ва суюқ ҳолатдаги олтингугурт, барқарорлаштирилган газ конденсати, суюлтирилган газ ишлаб чиқаришга йўналтирилган. “Муборакгаз” газ конлари бошқармаси 1972 йилда “Когоннефтгаз” ва “Қашқадарёгаз” бошқармалари бирлаштирилиб, улар негизида ташкил қилинган эди. 1992 йилнинг декабрь ойига келиб газни қайта ишлаш қувватлари йилига 25 млрд метр кубга оширилиб, газни қайта ишлаш блоклари сони 18 тага етказилди. 1997 йил 14 июлда Кўкдумалок компрессор станцияси ишга туширилди. 2000 йил 25 майдан бошлаб корхона «Ўзгеонефтгаз-қазибчиқариш» акциядорлик компанияси таркибидаги Муборак газни қайта ишлаш заводи шўъба-унитар корхонасига айлантирилди. 2003 йилда корхонанинг Низом жамғармаси 10 млрд 199 млн 245 минг сўмни ташкил қилди. Муборак газни қайта ишлаш заводи АҚШ, Франция, Испания, Германия, Чехия, Россия, Япония, Украина давлатлари билан иқтисодий алоқалар ўрнатган бўлиб, бу давлатлардан корхонага абсорбентлар, катализаторлар, кимёвий реагентлар ва реактивлар, кимёвий асбоб-ускуналар етказиб берилди. 2000 йилда қайта ишланган газ 27324 млн. м³, олтингугурт ишлаб чиқариш 217,5 минг т., барқарорлаштирилган конденсат ишлаб чиқариш 556 минг тонна, суюлтирилган газ ишлаб чиқариш 13,5 минг тоннани ташкил этди. 2006 йил 17 августда “Муборакнефтгаз” унитар корхонаси унда ISO 9001:2000 халқаро стандарт талабларига жавоб берадиган сифат менежменти тизими жорий этилганлиги ва қўлланилаётганини тасдиқловчи нуфузли сертификатга лойиқ деб топилди. Шунингдек, “Муборакнефтгаз” корхонаси Германиянинг “DQS” сертификати билан бир қаторда, “IQNet” халқаро сертификатлаш органлари уюшмаси сертификати ҳам эга бўлди. [5]

2015 йилда Муборак газни қайта ишлаш заводида бир йилда 12 млрд куб метр табиий газни қайта ишлаш, 258 минг тоннагача суюлтирилган газ ва 125 минг тонна газ конденсати ишлаб чиқариш қувватига эга газдан пропан-бутан аралашмаси олиш мажмуаси фаолият бошлади. Ушбу мажмуанинг биринчи босқичи 2010 йил ноябрь ойида ишга туширилган бўлса, иккинчи ва учинчи босқичлари 2013 йил март ва август ойларида ишга туширилиб, маҳсулот бера бошлади. Бу лойиҳанинг умумий қиймати 244 млн АҚШ долларидан ибора бўлиб, уни молиялаштиришга “Ўзбекнефтгаз” миллий холдинг компаниясининг ўз маблағлари, шунингдек, Ўзбекистон тикланиш ва тараққиёт жамғармаси, Ташқи иқтисодий фаолият Миллий банки ва Хитой тараққиёт банкининг кредитлари жалб этилди.

Ҳозирда бу корхонанинг ишлаб чиқариш объектлари нафақат Қашқадарёда, балки Бухоро, Навоий ва Самарқанд вилоятларида ҳам жойлашган. 600 га яқин бурғилаш қурилмаларидан фойдаланган ҳолда 33 конда нефть ва газ қазиб олиниб, қайта ишланади. “Кўкдумалок”, “Зеварда”, “Алан”, “Памук”, “Жанубий Ўртабулок”, “Самонтепа”, “Денгизкўл” конларида компрессор станциялари фаолият кўрсатмоқда. Бошқарма Бухоро нефтни қайта ишлаш заводи учун ҳам хомашё етказиб беради. Шунингдек, унинг таркибида механик ва электрокимёвий цехлар, хомашёнинг потенциал захираларини ўрганиш учун бурғиловчи ва геология-қидирув бригадаси, шунингдек, бошқа ихтисослаштирилган ва ёрдамчи корхона ҳамда ташкилотлар мавжуд. Заводда 3 200 га яқин киши меҳнат қилади. [6]

2020 йилда ташкил этилганига қирқ йил бўлган Шўртан нефть-газ қазиб олиш корхонаси “Ҳисорнефтгаз”, “Epsilon Developmet” ва “Лукойл” компаниялари билан ҳамкорлик қилади. “Ўзбекнефтгаз” статистика маълумотларига кўра, шўртанликлар 2019 йили республика бўйича ишлаб чиқарилган умумий нефть-газ маҳсулотларининг 26% қайта ишланган газ, 30,6% — нефть ва 25,5% — конденсат, 35,7% — пропан-бутан 0,6% — олтингугурт билан ҳисса қўшди.

Мустақиллик йилларида амалга оширилган энг яхши лойиҳаларидан ва халқаро ҳамкорлик маҳсулларида бири бу Шўртан газ кимё мажмуасидир. Бу мажмуа нафақат Ўзбекистонда, балки жаҳондаги энг йирик газ саноати корхоналаридан бири ҳисобланади. Шўртан газ кимё мажмуаси Ғузор туманидаги Шўртан шаҳарчасида жойлашган бўлиб, 150 гектардан ортиқ майдонни эгаллайди. Шўртан газ кимё мажмуаси қурилиши 1998 йилдан бошланиб, 2001 йилда ишга туширилди. 2002 йил 15 августда биринчи полиэтилен олинди.

Маҳаллий конлардан олинадиган газни қайта ишлаб, органик синтез, полиэтилен, ёқилғи газ, суюлтирилган газ, газ конденсати, донадор олтингугурт, полиэтилен тагликлар, полиэтилен пленкалар ишлаб чиқаради. Мажмуа қурилишида АҚШнинг «ABB Lummus Global», «Honeywell», Германиянинг «Fisher», «Ermafa», Канаданинг «Nova Chemicals», Италиянинг «Renco», «ABB Soimi», Япониянинг «Mitsui», «Nisho Ivai», Франциянинг «Upedex», Россиянинг «Союзвнештранс», ВНИИГаз фирма ва компаниялари фаол қатнашди. Шунингдек, АҚШ нинг «Эксимбанк», «Чейз Манхеттен Банк», Франциянинг «Париба», Германиянинг «Коммерцбанк», Япониянинг «Эксимбанк», «Гермес» суғурта агентлиги ўз инвестициялари билан иштирок этди.[7] Мажмуанинг технология қисми газни тозалаш қурилмаси, полиэтилен гранула (донача)лари ишлаб чиқарадиган заводдан иборат. Лойиҳа қувватига кўра, мажмуа бир йилда 4,2 млрд метр куб газни қайта ишлайди, 125 минг тонна полиэтилен гранулалари, 137 минг тонна суюлтирилган газ, 103 минг тонна газ конденсати, 4 минг тонна донадор олтингугурт, шунингдек, 4,2 млрд метр куб товар газ (ёқилғи) ишлаб чиқаради. 2004 йилда 100 минг тонна полиэтилен, 85 минг тонна суюлтирилган газ, 88 минг тонна газ конденсати, 2,6 млрд метр куб товар газ, 100 тонна олтингугурт ишлаб чиқарилди. Мажмуа маҳсулотининг 60% дан ортиғи хориж — Украина, Россия, Қозоғистон, Болтиқбўйи, Польша, Венгрия, Австрия, Греция, Туркия, Эрон, Покистон, Хитой ва бошқалар мамлакатларга экспорт қилинади. [8]

2006 йил март ойида “Шўртангазмаҳсулот” Ўзбекистон-Швейцария Буюк Британия кўшма корхонаси давлат рўйхатидан ўтди. Кўшма корхонанинг таъсисчилари “Ўзбекнефтгаз” миллий холдинг компанияси таркибидаги “Шўртаннефтгаз” унитар шўъба корхонаси (низом жамғармасидаги улуши 50%), Швейцариядаги “Zeromax GmbH”(25%) ва Буюк Британиядаги “Arch Energy Ltd”(25%) компаниялари бўлишди. 2008 йил июль ойида корхонада йилига 6 млрд кубометр газни қайта ишлаш, суюлтирилган газ ва конденсат ишлаб чиқаришга мўлжалланган газдан пропан бутан аралашмаси олиш қурилмаси ишга туширилди. Натижада ишлаб чиқариш қуввати бир йилда 3 млрд кубометр табиий газни қайта ишлаб, ундан 28 минг тонна пропан, 25 минг тонна бутан ҳамда 21 минг тонна конденсат ажратиш олиш имконини берди.

2017 йил 11 майдаги “Шўртан газ кимё мажмуасининг ишлаб чиқариш қувватини кенгайтириш” инвестицион лойиҳасини амалга ошириш бўйича кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Президент қарори қабул қилинди.

2012 йил 23 июль куни Қашқадарё вилоятида синтетик суюқ ёнилғи (GTL) ишлаб чиқариш заводининг пойдевори қўйилди. “Ўзбекнефтгаз” миллий холдинг компанияси, Жанубий Африка Республикасининг “Sasol” компанияси, Малайзиянинг “Petronas” корпорацияси ҳамкорлигида ШГКМнинг тозаланган метан газидан синтетик суюқ ёқилғи ишлаб чиқаришга қаратилган лойиҳа ишлаб чиқилди.

2016 йил 29 декабрдаги Президент қарорига асосан “Шўртангазкимё” мажмуасида ишлаб чиқарилаётган тозаланган метан негизида синтетик суюқ ёқилғи ишлаб чиқаришни ташкил этиш бўйича чора-тадбирлар белгилаб берилди. Бу каби ноёб муассасалар нафақат дунё бўйича санокли қурилган бўлиб, бугунги кунда худди шу турдаги заводлар - ЖАР, Малайзия ва Қатарда фаолият олиб бормоқда. Бугунги кунда дунёда табиий газдан синтетик ёқилғи олишга қодир атиги 5 та завод бўлиб, Қашқадарёдагиси олтинчиси бўлади. Мазкур заводнинг ишга туширилиши углеводород хомашёсини қайта ишлашнинг мутлақо янги босқичига ўтиш имконини беради. Дастлабки ҳисоб-китобларга кўра, UzGTL нефть маҳсулотларининг йиллик импортини 1,5 миллион тоннага қисқартиради ва бутун республика ёқилғи-энергетика соҳаси шитоб билан олға силжийди.

Энергетика саноати. 2004 йил ноябрь ойида Талимаржон ИЭСнинг ишга туширилиши натижасида худуддаги энг йирик истеъмолчилар – нефть газ саноат корхоналарига шу ерда ишлаб чиқарилган электр энергиясини етказиб бериш имконияти туғилди. Шу билан биргаликда, ИЭС учун зарур асосий ёнилғи - табиий газни эвазига мамлакат шимолига жўнатиш, сўнг у ерда ишлаб чиқарилган электр энергиясини жанубга узатишдек катта харажат талаб қиладиган амалиётга чек қўйилди.

2004-2014 йиллар оралиғида Талимаржон ИЭСда 54 млрд кВт/соатдан кўпроқ электр энергияси ишлаб чиқарилди. 2011 йил 27 августдаги Президент қарорига асосан Талимаржон ИЭСда 216 км узунликдаги 500 кВли ҳаво линияси қурилди ҳамда Талимаржон ИЭСнинг 500 кВли очиқ тақсимлаш ускунаси Самарқанд вилоятидаги “Сўғдиёна” нимстанциясига уланди. Натижада мамлакат энергетика тизимининг жануби ғарбий минтақаси электр энергияси билан самарали таъминлаш борасида муҳим кадам қўйилди. 2013 йил 7 мартдаги Президент қарорларга асосан эса ҳар бирининг қуввати 450 МВтли 2 та буғ-газ қурилмасини барпо этиш этиш бўйича ишлар олиб борилди ва бу лойиҳанинг бош пудратчиси – Жанубий Кореянинг “Hyundai Engineering and Construction” ва “Daewoo International Corporation” компаниялари консорциуми томонидан маҳаллий субпудратчи ташкилотлар билан ҳамкорликда қурилиш монтаж ишлари бажарилди.

Дехқонобод калий заводи. Ҳозирги вақтда дунёда калий ўғитлари ишлаб чиқаришга ихтисослашган атиги 14 та корхона фаолият юритмоқда. Хитой ва бошқа чет эллик ҳамкорлар билан биргаликда барпо этилган Марказий Осиёдаги ягона ҳисобланувчи Дехқонобод калий заводи ҳам ана шулардан бири ҳисобланади. 2020 йилда завод илк маҳсулот ишлаб чиқарганига ўн йил тўлди. Завод ўтган 10 йил мобайнида жами 2,2 млн тоннага яқин маҳсулот ишлаб чиқарди. Ўн йиллик фаолияти давомида 30 ортиқ хорижий мамлакатларга 300 миллион долларлик калий ўғитини экспорт қилинди. 2010 йилда заводнинг соф фойдаси 2 миллиард 274 миллион сўмни ташкил этган бўлса, 2019 йилда 5 миллиард 575 миллион сўм даромад кўрилди. Қолаверса, заводнинг ишга туширилиши муносабати билан “Тепакўтон” калий тузлари конида тоғ-кон мажмуи, Дехқонобод темир йўл станцияси яқинида тузни қайта ишловчи замонавий иншоотлар ҳам барпо этилди.

Тўқимачилик саноати. Мустақиллик йилларида Қашқадарёда бир қатор янги текстил соҳасига ихтисослашган корхоналар барпо этилди. Дастлаб 1996 йилда Қарши шаҳрида “Қаштекс” мажмуаси (Cotton Road) барпо этилган бўлса, 2002 йилда Шаҳрисабз шаҳрида “Оқсарой-тўқимачи ЛТД” ўзбек-япон-турк қўшма корхонаси, сўнгра Яккабоғда “Яккабоғтекс” ўзбек-немис қўшма корхонаси, Қамашаида ип-йигирув корхоналари ташкил этилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 21 декабрдаги “2017-2019 йилларда тўқимачилик ва тикув-трикотаж саноатини янада ривожлантириш чора-тадбирлари дастури тўғрисида”ги қарори қарор асосида пахта толаси ва ипак хом-ашёсини чуқур қайта ишлаш негизида юқори қўшилган қийматли тайёр, экспортбоп тўқимачилик ва тикув-трикотаж маҳсулотларини ишлаб чиқариш бўйича 10 та инвестиция лойиҳаси ҳаётга татбиқ этилди. Бунинг самарасида вилоятда етиштирилган пахта толасининг 60%ни шу ернинг ўзида қайта ишлаш имконияти юзага келиб, ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг асосий қисми экспортга йўналтирилди. Қарши шаҳридаги “Cotton road” қўшма корхонаси 2016 йилда 1 млн 280 минг долларлик маҳсулот экспорт қилди.

2016 йил 21 декабрдаги қарори доирасида фаолият юритаётган муассасалардан бири Қаршидаги “Sulton tex group” корхонасидир. Унда пахта толасини чуқур қайта ишлаш орқали экспортбоп тўқимачилик ва трикотаж маҳсулотлари ишлаб чиқарилади. “Миллий банк”нинг 10,4 млн, корхона таъсисчисининг 6,6 млн доллар маблағи эвазига қурилаётган корхонанинг йилига 7 минг тонна ип-калава ишлаб чиқарувчи фабрикаси ишга тушган эди. 300 га яқин йигит-қиз меҳнат қилаётган корхонада Швейцария ва Япониядан келтирилган энг сўнги русумдаги тозалаш, йигириш ва ўраш ускуналари ўрнатилган. Бу йил 5 минг 800 тонна ип-калава ишлаб чиқарилиб, 12 миллион доллар миқдоридаги маҳсулот хорижга экспорт қилинган. 2018 йилда лойиҳанинг 2-босқичи ишга туширилди. Эндиликда йилига 3 минг тонна трикотаж мато тайёрлаш имкони юзага келди. Келгусида матони тўқиш ва бўяш, тайёр кийим-кечак ишлаб чиқариш режалаштирилган. 2019 йили мато ва тайёр кийим-кечак ишлаб чиқариш фабрикаси ҳам ўз фаолиятини йўлга қўяди. Европанинг замонавий ускуналари ўрнатилган фабрикада 700 киши меҳнат қилиб, йилига 9 миллион дона тайёр маҳсулот ишлаб чиқарилади. Лойиҳанинг умумий қиймати 3 миллион доллар. Корхонада пахта-

тўқимачилик кластери ташкил этилган ва 10 минг гектар ер майдони ажратилган. Мамлакат раҳбари кейинги босқичларни амалга оширишни жадаллаштириш, тайёр маҳсулот турларини кўпайтириш ва экспорт географиясини кенгайтириш борасида топшириқлар берди. Сингапурнинг “Индорама” компанияси томонидан Қашқадарё ва Сирдарё вилоятларида пахта-тўқимачилик кластерларини ташкил этиш, мамлакатимизнинг Польша, Эрон, Буюк Британиядаги элчилари томонидан Қашқадарё вилоятига хорижий инвестицияларни жалб этиш, қишлоқ хўжалиги, хизмат кўрсатиш соҳаларида йирик лойиҳаларни амалга оширишга қаратилган режалар тақдимоти ўтказилди.

2001 йилда Шаҳрисабзда “Oqsaroy textile” МЧЖ туркиялик ва япониялик ишбилармонлар ҳамкорлигида қўшма корхона шаклида ташкил этилиб, йилига 4800 тонна ип калава ва трикотаж маҳсулотлари ишлаб чиқариш қувватига эга бўлди. 2010 йилда 14 млн 790 минг долларлик маҳсулот экспорт қилинди ҳамда соф фойда 3 млрд 855 млн сўмни ташкил этди. 2010 йилда бу корхонага Хитойдан 110 минг долларлик ускуна ўрнатилиб, кадоклаш материални ишлаб чиқариш йилга қўйилди. 2013 йил 8 ойи мобайнида 8 млн 166 минг долларлик маҳсулот Туркия, Эрон, Швейцария, Россия сингари мамлакатларга экспорт қилинди.

Шаҳрисабзда “Oqsaroy Group” компанияси таркибига кирувчи “Oqsaroy Textile” ва “Oqsaroy Vortex” корхоналари ташкил этилган бўлиб, уларда умумий қиймати 54 миллион долларлик 3 та лойиҳани босқичма-босқич амалга ошириш белгиланган эди. Бунинг натижасида 1 минг 630 та иш ўрни яратиш, йилига 22 млн АҚШ долларлик тўқимачилик маҳсулотларини экспорт қилиш кўзда тутилган. 2019 йилда 6 млн долларлик маҳсулот экспорт қилинган бўлса, 2020 йилнинг ноябргача бу кўрсаткич 8 млн АҚШ долларини ташкил этди. Иккинчи босқичда 2020 йил октябрь ойида “Oqsaroy Vortex” корхонаси фаолият бошлаб, қиймати 15 млн АҚШ доллариغا тенг калава ип ва трикотаж мато ишлаб чиқариладиган лойиҳа ишга туширилди. Учинчи босқич лойиҳаси 18 млн АҚШ доллари қийматга эга бўлиб, унинг ишга тушиши натижасида 700 та иш ўрни яратилади.[9]

Қашқадарё вилоятида саноат корхоналарини модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш борасида амалга оширилаётган ишлар ҳудудда ишлаб чиқариш ҳажми ва сифатини юксалтиришга хизмат қилмоқда. Қашқадарё вилояти саноат ишлаб чиқариш ҳажми таркибида энг кўп Муборак тумани (Қашқадарё вилояти саноат ишлаб чиқариш ҳажмининг 29,4 % улушини), Ғузор тумани (20,8 %), Қарши шаҳар (12,1 %), Нишон тумани (10 %), Қарши тумани (5 %) ҳиссасига тўғри келади.[10]

Ҳудуднинг иқтисодий хусусияти тобора индустриал-аграр йўналиш касб этиб бормоқда. Ялпи ҳудудий маҳсулотнинг 1/3 саноат ҳиссасига тўғри келади. Саноат ишлаб чиқаришини диверсификация ва модернизация қилиш бўйича давлат дастури амалга оширилмоқда. Саноат соҳасида ёқилғи-энергетика комплекси алоҳида ажралиб туриб, бу комплекс саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш умумий ҳажмининг 2/3 қисмини ташкил этади.

4. Хулосалар:

- Мустақиллик йилларида Қашқадарё вилоятида замонавий, жаҳон андозаларига мос келувчи саноат корхоналари барпо этилди. Янги корхоналарнинг қурилиши мамлакат жануби инфратузилмасини тубдан ўзгариши, шаҳар ва қишлоқларнинг ободонлашуви ва чекка ҳудудларнинг ривожланишига хизмат қилди.

- Мавжуд имкониятлардан унумли фойдаланиш ва кенг кўламда амалга оширилган иқтисодий ўзгаришлар Қашқадарё вилоятини йирик саноат маҳсулотларини етказиб берувчи ҳудудга айлантirdи. Саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми мунтазам ошиб борди.

- Қашқадарё вилоятида янги саноат корхоналарини барпо этиш, аввал қурилган корхоналарни модернизация қилиш, хорижий мамлакатлар билан ҳамкорликда ташкил этилган қўшма корхоналарнинг ишга туширилиши, кичик ва ўрта бизнес корхоналарининг очилиши саноат маҳсулотлари ва халқ истеъмолчи моллари ишлаб чиқариш йилдан-йилга ортиб борди.

Иқтибослар/ Сноски/References:

1. Jurakulov O., Ergasheva J. History of Kashkadarya industry. Karshi. Nasaf. 1996.
2. Urolova N. The process of reforms and changes in the industrial sector of Uzbekistan during the years of independence. Tashkent.2004.
3. Tilayev E. Changes in the socio-economic and cultural life of Uzbekistan during the years of independence. (on the example of the southern regions) Tashkent. 2010
4. Uzbekistan National Encyclopedia. Tashkent.: UzNE GSP., 2004.-p.242.
5. B.Temirov. The second stage is over.Kashkadarya.30.01.2007
6. T.Nizayev. “Uzbekneftgaz”:Underground wealth-for population of republic and integration to world economy. Pv.uz. 6.03.2020
7. Uzbekistan National Encyclopedia. Tashkent.: UzNE GSP., 2005.-p.137.
8. Erkayev A. and others. Kashkadarya region during the years of independence. Tashkent. 2007. p-13.
9. National economic system will be created in Kashkadarya, industrial development will be strengthened. New Uzbekistan.13.11.2020
10. Kashkadarya regional statistic newsletter. Karshi.2019.p.22

ЎТМИШГА НАЗАР

ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ

LOOK TO THE PAST

№SI-3 (2020)

Editorial staff of the journals of www.tadqiqot.uz
Tadqiqot LLC The city of Tashkent,
Amir Temur Street pr.1, House 2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Phone: (+998-94) 404-0000

Контакт редакций журналов. www.tadqiqot.uz
ООО Tadqiqot город Ташкент,
улица Амира Темура пр.1, дом-2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Тел: (+998-94) 404-0000